Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 30-sentabr, seshanba № 120 (3469)

*Агарки дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир.*
**Ислом КАРИМОВ**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакатимизда ёш авлоднинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, уларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида соғлом ва баркамол этиб вояга етказишга қўшган салмоқли ҳиссаси, ёшларга илм-фан асосларини, замонавий касб-ҳунарларни ўргатишдаги жонкуярлиги, таълим-тарбия тизимидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:*

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»**

**Бердиева Жумагул Амоновна** — Қумқўрғон туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Турдиева Махбурат Маккамовна** — Олмалиқ шаҳридаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»**

**Журамирзаева Махмуда Журамирзаевна** — Учқўрғон туманидаги 34-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Исмаилова Раиса Юсуповна** — Нукус шаҳридаги 24-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»**

**Ачилов Дўсмурот Тошмуротович** — Кармана туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Бердиева Зайнаб Файзиллаевна** — Каттақўрғон туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактаби директори, Самарқанд вилояти

**Матякубова Гульнора Абдусаматовна** — Тошкент радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Сабирова Мухаббат Марксовна** — Урганч туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Султанова Махбуба Кузибаевна** — Фарғона политехника институти қошидаги академик лицейнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Тешабаева Матлюба** — Янгиер қурилиш ва коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Умматов Сирожиддин Исоқович** — Баликчи туманидаги 38-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Халилова Нодира Разиковна** — Бухоро нефт ва газ саноати касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Хомитов Абдували Комилович** — Зарбдор ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежининг информатика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»**

**Хожиев Баходир Найимович** — Қарши олимпия захиралари коллежининг дзюдо бўйича мураббийи, Қашқадарё вилояти

*Юртимизда таълим соҳасини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси, кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Дуйсенбаев Куралбай** — Нукус автомобил йўл хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Исроилова Лола Болтаевна** — Булунғур туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Худайназарова Гуёхон Холмирзаевна** — Бўз туманидаги 46-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдуллаев Акмал Абдуахадович** — Жондор туманидаги 49-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Абдуллаев Валижон Алижанович** — Наманган туманидаги 37-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Абилқосимов Равшан** — Жиззах туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Акрамов Набижон Курбонович** — Марҳамат туманидаги 3-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Аскарова Минавар Рузимовна** — Шовот туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг кимё фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Ашуров Икромжон Мейлиевич** — Термиз саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Гайбулаева Гулчехра Джаббаровна** — Сирдарё саноат касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Сирдарё вилояти

**Даулетиярова Гулшат Жалгасовна** — Қўнғирот нефт ва газ саноати касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Имамова Сайёра Абдурахмановна** — Каттақўрғон шаҳридаги 11-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Кариева Рано Нигматовна** — Тошкент шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар учун 2-интернат уйи директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари

**Каюмова Муяссар Абдуллаевна** — Қуйи Чирчиқ туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

*(Давоми 2-саҳифада).*

## Қўшма корхоналар

*Андижонда фаолият кўрсатаётган «Уз Тонг Хонг Ко» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасида 16 турдаги спорт анжомлари ишлаб чиқарилмоқда.*

# СИФАТЛИ, АРЗОН ВА ХАРИДОРГИР

Бу ерда хорижий технологиялар асосида сифатли футбол, баскетбол, волейбол ва теннис тўплари, теннис, стол тенниси ва бадминтон ракеткалари, акробатика ва гимнастика машқлари бажариладиган махсус жиҳозлар ҳамда турли кедалар ишлаб чиқарилмоқда.

— Жорий йилнинг ўтган даврида 600 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди, — дейди корхонанинг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Равшанбек Каримов. — Уларнинг аксариятини спорт анжомлари ташкил этади. Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор спорт товарларига бўлган талаб ва эҳтиёжни ҳам ошириб юбормоқда. Хусусан, яқинда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 18 минг дона футбол тўпи етказиб бериш бўйича шартнома имзоланди. Бу, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имкониятини яратади.

Корхонанинг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўлимида 50 нафардан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Асосан ёшлар ва касб-ҳунар коллежи битирувчиларидан иборат ишчиларнинг самарали ишлаши учун барча шароит яратилган.

**ЎзА.**

**ЎзА фотомухбири Зуҳриддин УМРЗОҚОВ олган суратлар**

*«Infinbank» очиқ акциядорлик тижорат банки Наманган филиали ўз фаолиятини бошлади.*

## «INFINBANK»НИНГ ЯНГИ БИНОСИ

— Мазкур банк ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган пул-кредит сиёсати самарадорлигини ошириш, вилоятда истиқболли ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишларга муносиб ҳисса қўшади, — дейди «Infinbank» республика кенгаши раиси Э.Боқибоев. — Банк филиали иш бошлаши билан йигирмадан зиёд фуқаронинг бандлиги таъминланди. Эътиборлиси, уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежини битирган ёшлардир.

— Меҳнат фаолиятимни иқтисодий муҳим муассасада бошлаётганимдан хурсандман, — дейди Наманган шаҳар қурилиш ва ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи битирувчиси Зулфия Исоқжонова. — Давлатимиз раҳбари томонидан биз, ёшларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликларга жавобан сидқидилдан ишлаб, юртимиз равнақига ҳисса қўшишни мақсад қилганман.

**ЎзА**

## Танишув амалиёти

# Назария билан уйғун

*Касб-ҳунар таълими тизимида ташкилий ишларни мукаммал даражага кўтармасдан туриб, ўз касбининг устаси ҳамда юқори салоҳиятли мутахассисларни тайёрлаб бўлмайди. Чунки тизимдаги муваффақият кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш амалиётларини тўғри ташкил этиш билан чамбарчас боғлиқлигини воқеликни ўзи кўрсатиб турибди. Буни яхши тушунган Қуйи Чирчиқ туманидаги транспорт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи маъмурияти ўқув маскани ўқувчилари танишув амалиётини тўлақонли ўтказишлари учун барча чораларни кўрмоқда.*

— Айни вақтда фермер хўжаликларини замонавий ва омилкор жамоага айлантириш ҳар бир раҳбарнинг бирламчи мақсадидир, — дейди коллеж касаба уюшма ташкилотининг етакчиси Алижон Билолов. — Юртбошимизнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида «Фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асоси сифатида фаолият кўрсатишлари лозим. Чунки иқтисодий жиҳатдан эркин бўлган фуқаро, ҳақиқий мулкдоргина ўз мол-мулкини самарали тасарруф этишдан, ўз бойлигини кўпайтиришдан манфаатдор бўлибгина қолмай, балки бутун мамлакатни бойитишга ҳам қодир», деган сўзлари ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Ўз навбатида, биз мураббийларга жуда катта, яъни, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини малакали кадрлар билан таъминлаш масъулияти юклатилган бўлиб, 3-босқич талабаларимиз айни кунларда «Пахтага бирламчи ишлов бериш» йўналиши бўйича «Ўзбекистон 5 йиллиги» пахта тозалаш корхонасида, «Қишлоқ хўжалиги машина ва жиҳозларига хизмат кўрсатиш» ва фермер хўжалигини бошқариш йўналишлари бўйича фермер хўжаликларида танишув амалиётини ўтамоқда.

Албатта, назария ва амалиёт уйғунлашса, етук кадрлар кўпайиши турган гап. Ўқувчилар танишув амалиётида сифатли тола етказиб беришда бирламчи ишлов бериш аҳамиятини тушуниб етмоқдалар. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги машиналарининг янги турлари билан танишиб, уларнинг афзаллик хусусиятлари тўғрисида маълумотга эга бўлаётирлар. Фермер хўжаликлари бошқарув тизими ва уларнинг амалиёти билан танишмоқдалар.

Коллеж ўқувчиларининг амалиётда олаётган сабоқлари уларда касб кўникмаларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Чунки соҳани ривожлантиришнинг маҳаллий хусусиятларини ўрганиш, муаммоли вазиятларга дуч келинганда тезкор ечим топиш кўникмасига эга мутахассисларни вояга етказиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

**Неъмат РАФИҚОВ, «Ishonch» мухбири**

## Таълим

*Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида «Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг ўқув-услубий фаолиятини модернизациялаш» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.*

## МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Институт профессор-ўқитувчилари, тингловчилар иштирок этган семинарда Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди.

Иштирокчилар соҳага оид янгиликлар, илғор педагогик технологияларнинг айрим элементлари, ўқитишнинг самарали усуллари ҳақида маълумотларга эга бўлди. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг ўқув-услубий фаолиятини модернизация қилиш юзасидан фикр алмашди.

— Вилоятимиздаги таълим муассасалари ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ишларини мувофиқлаштириш ушбу даргоҳда амалга оширилади, — дейди вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори Рўзимурод Чориев. — Малака ошириш тизими ўқитувчининг касб малакаси узлуксиз ўсишини таъминлашга хизмат қилиши лозим. Шунинг учун модернизацияни, аввало, ўзимиздан бошласак, зиммамизга юкланган катта режаларни бекаму кўст амалга оширамиз.

Семинар доирасида малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини модернизация қилишнинг ташкилий-методик асослари, малака ошириш жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш йўналишлари, маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш технологияси каби мавзуларда шўъба йиғилишлари ташкил этилди.

— Қизиқарли ўтган машғулотлар ҳар жиҳатдан фойдали бўлди, — дейди катта ўқитувчи Феруза Расулова. — Педагогик технологияларни амалиётда самарали қўллаш борасидаги билимларимиз бойиди. Булардан келгусида унумли фойдаланамиз.

**Б.ҲИДОЯТОВ, ЎзА мухбири**

## Етакчи минбари

# ЭЗГУЛИККА ТУТАШ ЙЎЛ

*Мамлакатимизда Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши истиқлолнинг беқиёс туҳфаларидандир. Мустақиллик даврида ўқитувчи деган муқаддас ном шарафларга бурканди. Президентимиз ташаббуси билан маърифат аҳлининг меҳнати моддий рағбатлантирилиб, уларга ҳақ тўлашнинг сифат жиҳатдан мутлақо янгича усуллари жорий этилди. Меҳнатда ўрнак кўрсатган соҳа ходимларини рағбатлантиришга қаратилган директор жамғармалари тузилди. Касб байрами арафасида кўплаб фаол, ташаббускор, изланувчан педагоглар давлатимизнинг фахрий унвонлари, юксак орден ва медаллари билан тақдирланмоқда. Буларнинг бари ёш авлод қалби ва онгига билим билан бирга истиқлол ғояларини чуқур сингдираётган азиз ўқитувчи ҳамда мураббийларга кўрсатилаётган юксак эҳтиром ифодасидир. Ғамхўрлик ва эътибор ўқитувчиларни омилкорлик ва фидойилик кўрсатиб ишлашга илҳомлантирмоқда. Бунда касаба уюшма ташкилотларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Равшан БЕДИЛОВ йўли эзгуликка туташ устозларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:*

— Тизимда 2014 йил 1 сентябр ҳолатига кўра 17914 та бошланғич ташкилот бўлиб, аъзолар 1951341 нафарни ташкил этмоқда.

Бугунги кунда ижтимоий шерикликни ривожлантиришга доир 8 та тармоқ, 194 та ҳудудий келишув ҳамда 17904 та жамоа шартномалари тузилган. Бош келишувда меҳнат қонунчилиги бузилишларининг олдини олиш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар билан касаба уюшма ташкилотларининг тизимли ҳамкорлигини йўлга қўйиш вазифаси белгиланган. Шунга мувофиқ, 2014 йилнинг 12 феврал куни ЎзКУФКнинг Ўқув марказида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2012-2014 йиллар учун тузилган тармоқ келишувининг 2013 йилдаги ижроси юзасидан қўшма йиғилиш бўлиб ўтди.

Анжуманда ижтимоий шериклик асосида амалга оширилган ишлар ўз самарасини бераётганлиги, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимояси, уларга хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш, иш вақти ва дам олиш вақтлари, меҳнат қонунчилигига оид ва меҳнат муносабатларини тартибга солиш масалалари кенг муҳокама этилиб, тармоқ келишувларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар юзасидан қўшма қарорлар қабул қилинди. Унга кўра, жамоа шартномалари ва келишувларга орқали ходимларнинг асосий, узайтирилган ва қўшимча таътил кунлари белгиланди. Ушбу таътилларни белгилашда меҳнат шартномасининг жамоа шартномаси билан мувофиқлигини таъминлаш лозимлиги таъкидланди.

Федерация Кенгаши ва ҳамкор ташкилотлар билан Самарқанд давлат университетида ташкил этилган «Камолот — ёшлар таянчи» деб номланган қишки фаоллар ўқув-семинарида «Раҳбар маънавияти», «Инсон капитали», «Етакчилик», «Етакчи қандай бўлиши керак?», «Раҳбарликнинг ўзига хос хусусиятлари» каби мавзуларда жонли суҳбатлар ташкил этилди. Шунингдек, Республика кенгаши мутахассислари «Ижтимоий шериклик асослари, жамоа шартномаси ва келишувлари», «Меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш масалалари» мавзуларидаги маърузалари билан иштирок этдилар.

Ўзбекистон давлат консерваториясида таълим, фан, маданият соҳасига катта ҳисса қўшиб келаётган 70 нафар устозлар учун «Аёл борки олам мунаввар» номли маданий-маърифий тадбир ташкил этилиб, уларга қимматбаҳо байрам совғалари топширилди.

*(Давоми 2-саҳифада).*

1 октябр —
# ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Ishonch
2014-yil 30-sentabr № 120 (3469)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

**Набиева Манзура Турсуновна** — Ангрен шаҳридаги 41-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Султонова Қаноат Исломовна** — Хатирчи хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Тажибаев Мамуржан Дадажанович** — Тошлоқ транспорт ва қурилиш касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Хожикулов Уктам Нурматович** — Ғузор нефт ва газ саноати касб-ҳунар коллежининг физика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

### II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

**Курбанов Зарипбай** — Хонқа туманидаги 39-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Кушшаева Мухиба Буриевна** — Қарши шаҳридаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Махмудов Марифжон Мирзакулович** — Мингбулоқ туманидаги 12-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг волейбол бўйича мураббийи, Наманган вилояти

### «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Ахмаджанов Рустамбек Акрамович** — Наманган қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Ахмедова Дилобархон Долимовна** — Олтинкўл туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Досимбетова Улдаулет Кабиловна** — Қорақалпоғистон Республикаси 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

**Жуманиязова Мукаддас Хусиновна** — Хива тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Загребина Наталья Владимировна** — Миробод туманидаги 158-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Ковиляева Светлана Геннадьевна** — Навоий кончилик касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Кузиев Шаймурат Джураевич** — Қарши политехника касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Марданова Гавхар Хаитовна** — Самарқанд енгил саноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Очилова Нурзода Турсуновна** — Бухоро туманидаги «Галаосиё» қурилиш ва транспорт касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Рисқулова Гулчехра Аноркуловна** — Бекобод туманидаги 53-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Султанова Фазилат Бурхановна** — Фурқат агросаноат ва транспорт касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Хайдаров Оманкелди Бахриддинович** — Ғаллаорол туманидаги «Гулистон» қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Хайдарова Дилфуза Ғаффоровна** — Шўрчи туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Хачатурян Лариса Рафаиловна** — Гулистон шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабининг фортепиано синфи ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

### «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдуғафурова Зарифа Саттаровна** — Тошкент давлат техника университети қошидаги компютер технологиялари академик лицейининг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Абдуллаев Жасурбек Қурбанбаевич** — Урганч олимпия захиралари коллежининг енгил атлетика бўйича бош мураббийи, Хоразм вилояти

**Абдуллаева Нодира Турсуновна** — Шайхонтоҳур туманидаги 115-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Арзуова Несибели Жандуллаевна** — Нукус политехника касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Аллаёров Хазрат** — Қизириқ туманидаги 8-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг кураш бўйича мураббийи, Сурхондарё вилояти

**Атаниязова Заҳура Алламбергеновна** — Нукус саноат ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ахмедова Замира Иззатуллаевна** — Китоб туманидаги 5-«Меҳрибонлик уйи» тарбиячиси, Қашқадарё вилояти

**Бабаходжаева Нигора Гайбуллаевна** — Мирзо Улуғбек туманидаги 112-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Бекматова Зулфия Ашраповна** — Зангиота озиқ-овқат саноати касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Бердиев Ахмад Эшдавлатович** — Пахтачи туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Бобожонова Наргиза Номозовна** — Нарпай туманидаги 33-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Валиева Мухайё Кодировна** — Қўштепа туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Ғафурова Муяссар Азадовна** — Эллиққалъа туманидаги 52-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ғофурова Дилфуза Омановна** — Яккабоғ саноат ва қайта ишлаш касб-ҳунар коллежининг кимё фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Джураева Дилобар Шадиёровна** — Шаҳрисабз туманидаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактабининг фортепиано синфи ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Джураева Дилором Дадажановна** — Наманган шаҳридаги 6-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Наманган вилояти

**Жумаева Ҳурматой Холмуротовна** — Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежининг математика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Жураев Эргаш Оромович** — Косон туманидаги 95-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Жўраева Замира Шарифовна** — Бухоро тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Зверев Александр Васильевич** — Тошкент вилояти ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабининг оғир атлетика бўйича катта мураббийи

**Исмадияров Абдулла Ўлмасович** — Булоқбоши педагогика ва ижтимоий-иқтисодиёт коллежининг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Калмуратова Халима Юлдашевна** — Нукус тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Курбанова Оминахон Олимжановна** — Фарғона шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйи тарбиячиси, Фарғона вилояти

**Мамажонова Умидахон Пазлидиновна** — Бағдод қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Маҳмудов Шуҳрат Равшанович** — Ромитан туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Махмудова Гулчехра Урунхужаевна** — Жалолқудуқ туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Машарипова Сайёра Бахтияровна** — Қўшкўпир туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Муминова Лола Давроновна** — Тайлоқ туманидаги 53-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Намозова Дилфуза Саидовна** — Бойсун туманидаги 47-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Нарзуллаев Шароф Норматович** — Денов тоғ-кон саноати касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Сурхондарё вилояти

**Пахруддинова Малика Ташпулатовна** — Мирзо Улуғбек туманидаги 14-болалар мусиқа ва санъат мактабининг дутор синфи ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Расулова Дилноза Кобилджоновна** — Тошкент политехника касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Сайдахмедова Манзура Одиловна** — Бешариқ туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Сатимов Абдалим Давлатович** — Чуст саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Тажиев Рахман Суюнович** — Иштихон туманидаги 51-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Туробов Ёрқинжон Ёқуб ўғли** — Ғиждувон туманидаги 65-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Турсунбаев Сайфиддин Муротович** — Янгиобод туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Хайлаев Маматкул Жумаевич** — Боёвут туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг шахмат бўйича мураббийи, Сирдарё вилояти

**Холмуродова Сайёра Хабибуллаевна** — Жиззах енгил саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Холтурсунов Нурмат Байматович** — Оҳангарон туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабининг меҳнат таълими фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Шамсиева Мақсуда Шавқиевна** — Учқудуқ туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Эргашева Карамат Анарбаевна** — Мирзаобод туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Эшимов Бахтиёр Рахматуллаевич** — Навоий давлат педагогика институти қошидаги академик лицейнинг кимё фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Юлдашева Музайяна Ахборовна** — Учтепа туманидаги 287-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Юлдашева Шаходатхон Абидовна** — Қўрғонтепа туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Юлдашева Шохида Абиловна** — Тошкент шаҳридаги имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

**Юнусов Хакимжон Ахмаджонович** — Уйчи туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Юнусов Эркин Гаппарович** — Жарқўрғон саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Юсупова Наргис Рўзалиевна** — Оққўрғон туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 29 сентябр

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

Тармоқ ходимлари касаба уюшмаси тизимида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали ўтган ярим йилда 280 нафар ходимнинг фарзандларига чет тилларни ўргатишда моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида 16936,8 минг сўм сарфланди. Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар 810 нафар ёш оналарга 75456,4 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. 918 нафар тармоқ муассасаларида ишловчи эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари учун ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилиш харажатларини қоплаш мақсадида 28692 минг сўм маблағ йўналтирилди. 13214 нафар эҳтиёжманд оила вакилларига 1401122,7 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 2 нафар олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган эҳтиёжманд, ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларга 4795 минг сўм миқдорида шартнома пуллари тўлаб берилди.

ЮНИСЕФ ташкилотининг «Таълим секторини ривожлантириш режаси» лойиҳасини ишлаб чиқишда маҳаллий ишчи гуруҳ таркибида тармоқ Республика кенгаши ходимлари иштирок этаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу лойиҳани амалга ошириш юзасидан 2014 йил март ойида Бутундунё таълим кенгаши (шериклиги) ҳамда Жаҳон банки вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда мактабгача ҳамда умумий ўрта таълимни ривожлантириш ва модернизациялаш, таълим

# ЭЗГУЛИККА ТУТАШ ЙЎЛ

тизими сифатини ошириш, болаларнинг таълим олиш шароитларини яхшилаш, педагогларнинг малакасини ошириш масалаларига катта эътибор қаратилди.

Июл ойида лойиҳанинг Жаҳон банки томонидан маъқулланганлиги ҳамда молиялаштирилиши юзасидан Республика кенгашига хабарнома келиб тушди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ҳамкор ташкилотлар билан ташкил этилган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови ҳамда «Ёш мутахассислар» республика Форумида тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳам фаол иштирок этди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан ҳамкорликда «Йилнинг энг фаол ёш ўқитувчиси», Халқ таълими вазирлиги билан «Йилнинг энг фаол ёш тарбиячиси», ЎзРФА ҳамда олий таълим муассасаларида «Йилнинг энг фаол ёш олими» каби номинациялар бўйича танловнинг ҳудудий ҳамда Республика босқичлари кўтаринки руҳда ташкил этилди.

Эътиборли жиҳати, танловнинг 9 нафар 1-,2-,3-ўрин ғолиблари Федерация Кенгаши томонидан ташкил қилинган «Ёш мутахассислар» Форумида қатнашди ва шулардан 2 нафари инновацион ғояларни, яратган ихтиролари ҳамда илмий тадқиқот натижаларининг намунали тақдимоти учун совриндор бўлди. «Йилнинг энг фаол ёш олими» Ойбек Абдулхаев ўз лойиҳасини амалиётга татбиқ этиши учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг махсус 5 млн. сўмлик гранти, «Йилнинг энг фаол ёш ўқитувчиси» Нодира Умирова эса хорижда малака ошириш имконини берадиган йўлланмани қўлга киритди.

Тармоқ тизимидаги корхона, ташкилот, муассасада меҳнат муҳофазаси бурчаклари ташкил этилиши, хавфсизлик техникаси бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилиши, ходимларнинг улар билан ўз вақтида таништирилиши юзасидан бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда ва меҳнатни муҳофаза қилишга доир электрон ҳужжатлар тарқатилмоқда. Айни кунгача 78 ташкилот ва муассасаларга меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича амалий ёрдам кўрсатилди.

Республика кенгаши тизимидаги ташкилот ва муассасалар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича 104854 та тадбир амалга оширилиб, унга 5 млрд. 785 млн. 210 минг сўмлик маблағ сарфланди.

Меҳнат муҳофазаси бўйича тармоқ ходимлари касаба уюшмалари туман, шаҳар кенгашлари томонидан 2155 та бошланғич касаба уюшма қўмитаси фаолияти ўрганилди. Ишловчиларга хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, уларни махсус кийим-бош, пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, санитария-маиший шароитларини яхшилаш, жойларда жамоатчилик назоратига оид ишларни жонлантириш бўйича касаба уюшмалари ва хўжалик органларига амалий кўмаклашилди. 5387 та камчилик аниқланиб, иш берувчиларга уларни бартараф этиш юзасидан 904 та тақдимнома киритилди.

Касаба уюшма аъзоларининг ҳуқуқий онг ва маданиятини ошириш борасида ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Республика кенгашига жорий йил 9 ойи давомида 39 та ёзма, 32 та оғзаки ва «Ишонч телефони» орқали 52 та мурожаат бўлгани ҳолда, 38 таси қаноатлантирилиб, 51 таси бўйича тушунтириш берилди. Бундан ташқари, Сирдарё вилоятида халқ таълими тизими раҳбарлари , вилоят академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари, касаба уюшма қўмита раислари ҳамда кадрлар бўлими бошлиқлари учун «Меҳнат қонунчилиги — жамоатчилик назоратида» мавзуида семинар ташкил этилди. Уларда Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасидаги 2014-2016 йилларга мўлжалланган Бош келишувда белгиланган меҳнат қонунчилиги бузилишларининг олдини олишда вазирлик ва идоралар билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилди.

Худди шу мавзуда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, бошқармалар бошланғич касаба уюшма ташкилоти раислари, кадрлар бўлими бошлиқлари ҳамда 1500 нафардан зиёд коллеж, лицей директорлари ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази аппарати ходимлари иштирокида видео-селектор ўқув-семинари ўтказилди.

А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказий институтида ҳар ойда халқ таълими тизимидаги муассасалар иш берувчиларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида мутахассисларимиз томонидан меҳнат муносабатларини тартибга солиш ва меҳнат қонунчилиги бузилишларининг олдини олишга қаратилган давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Шундай давра суҳбатлари Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими раҳбар ходимларини малакасини ошириш институти ўқув дастурига ҳам киритилганлиги эътиборга лойиқ.

Жорий йил 22 август куни ЎзКУФКнинг Ўқув марказида «Истиқлол имкониятлари — таълим, фан ва маданият тизимида эришилган ютуқлар» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Унда тегишли вазирликлар, Ўзбекистон Фанлар академиясининг малакали мутахассислари истиқлол шарофати билан тизимда эришилган илм-фан ютуқлари, баркамол авлодни тарбиялаш, янги инновацион технологияларнинг жорий этилиши, илмий-тадқиқот фаолияти янгиликлари ҳақидаги маърузалари билан қатнашиб, узлуксиз таълим жараёнининг ижобий натижалари билан ўртоқлашдилар.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ҳам кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносабати билан Республика кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги 10-қўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси(мактаб-интернат)га 4 млн. сўмлик махсус аппаратлар, плеерлар ва ўқув қуроллари олиб берилди. Ўқувчилар учун қизиқарли маданий-маърифий тадбир ташкил қилинди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан 50 нафар педагогларга санаторийга бепул йўлланма ажратилганлигини алоҳида эътироф этиш жоиздир. Республика кенгаши томонидан педагогларнинг кўнгилли дам олишларини ташкил этиш мақсадида турли маданий-маърифий ва спорт тадбирлари ва пойтахтимиз бўйлаб саёҳат ҳамда театрларга ташриф уюштирилиб, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» билан мастер класс ўтказилиши ҳам белгилаб қўйилди. Шунингдек, Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил қилинаётган байрам тадбирларига соҳада кўп йиллар самарали ва фаол меҳнат қилаётган педагогларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Республика кенгаши томонидан 35 млн.сўм маблағ сарфланди.

Тармоқ ходимлари касаба уюшмаси ҳудудий ташкилотлари томонидан ҳам жойларда касб байрами муносабати билан ўқитувчи ва мураббийлар меҳнати алоҳида эътироф этилмоқда.

Тизимда амалга оширилаётган бундай хайрли ишларимиз замирида заҳматкаш ва фидойи касб эгаларининг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишдек эзгулик мужассамлашган бўлиб, пировард мақсад эса вояга етаётган авлодни ҳар жиҳатдан етук ва баркамол қилиб тарбиялашдир. Зеро, бизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва кам бўлмаслигимиз ана шу жараёнга қай тарзда ёндашмоғимизга боғлиқ.

**«Ishonch» мухбири Амина ҚОДИРОВА ёзиб олди**

## Матбуот анжумани

***Республика Болалар кутубхонасида бўлиб ўтган «Таълим ва тарбия уйғунлиги — баркамол авлодни шакллантиришнинг муҳим омили» мавзусидаги анжуман Халқ таълими вазирлиги томонидан 1 октябр — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами муносабати билан ташкил этилди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари, фидойи педагоглар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.***

# ИЛҒОР ТАЖРИБА БАРЧАНИКИ

Анжуманда таълим мазмунини янги сифат босқичига кўтариш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар, устоз ва мураббийларни ҳар томонлама рағбатлантириш, улар меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш, тизимда таълим самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

Таъкидланганидек, ҳозирда халқ таълими тизимида 390 минг нафардан зиёд ўқитувчилар фаолият кўрсатмоқда. Таълим самарадорлигини таъминлашда педагог касб маҳорати, унинг билим ва кўникмаси муҳим саналади. Шу сабаб вазирлик томонидан педагоглар малакасига катта эътибор қаратилаётир. Республикада 14 та ҳудудий қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтлари ҳамда Халқ таълими раҳбар ходимларининг малакасини ошириш марказий институтида масофавий таълим ресурс марказлари ташкил қилинган. 2010 йилда 1056 нафар, 2014 йилда эса 4 мингдан ортиқ педагоглар масофавий таълим ошириш курслари орқали ўз малакасини оширди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш муассасаларининг моддий-техника базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш ҳамда таълимнинг миллий модели хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ушбу тизимда таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 августдаги 234-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ халқ таълими тизими ходимларининг ўз вақтида малака ошириши учун шароитлар яратилади, педагогик кадрларни методик таъминланиши ва ўқув-тарбия жараёнининг сифати яхшиланади.

Анжуманда илғор тажрибаларни аниқлаш ва уларни оммалаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Жумладан, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси», «Йилнинг энг яхши директори», «Йилнинг энг яхши психологи», «Йилнинг энг яхши услубчиси», «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси», «Йилнинг энг яхши фаол маънавий-марифий ишлар бўйича директор ўринбосари» каби кўрик-танловлар илғор педагоглар тажрибасини оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этяпти.

Анжуманда иштирокчиларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

**Гўзал НОРЧАЕВА, «Ishonch» мухбири**

## ЖОНКУЯР УСТОЗ

***Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги Манғит иқтисодиёт коллежи инглиз тили фани ўқитувчиси Гулистон Аҳмедова 34 йилдан буён ёшларга таълим-тарбия бериб келмоқда.***

Ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган ҳиссаси учун 2004 йили «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланган. Унинг илғор таълим андозалари асосида олиб бораётган дарслари нафақат ёшлар билимини ошириш, балки ёш ўқитувчилар учун ҳам ўзига хос тажриба мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

***Суратда:*** *инглиз тили ўқитувчиси Гулистон Аҳмедова.*

**ЎзА фотомухбири Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ олган сурат**

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Фарғона туман кенгаши

Барча юртдошларимизни, соҳа ходимларини Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий қутлайди!

Ақлан етук ва соғлом авлодни тарбиялашдек машаққатли меҳнатларингизда улкан зафарлар тилаймиз. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Тойлоқ туман кенгаши

1 октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан Соҳа ходимларини самимий муборакбод этади.

Ёш авлод тарбиясидек масъулиятли вазифани уддалашда ҳорманг, устозлар!

Реклама ва эълонлар

## Меҳнат муҳофазаси

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2014 йил 26 майдаги «Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан Республика кўрик-танлови ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижросига касаба уюшма ташкилотлари томонидан алоҳида эътибор қаратиляпти.***

# ХАТАРДАН ХОЛИ

Жумладан, кўрик-танловнинг якуний — республика босқичида турли номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиб, иш берувчилар томонидан ходимларга соғлом ва хатарсиз меҳнат шароитини яратиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан таҳлиллар ўтказилди. Шунингдек, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларининг олдини олиш, жамоаларда меҳнатни муҳофаза қилишга оид қонун ҳужжатларига риоя этиш юзасидан жамоат назоратини ташкил этиш жараёнлари ўрганилди.

Якуний хулосаларга кўра, «Энг яхши корхона» номинациясида 1- ўрин ҳамда «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил» номинациясида 2-ўрин «Қишлоққурилишбанк» ОАТБ Навоий вилояти минтақавий филиалига насиб этди.

Табиийки, ҳар қандай ютуқ янада юксак марраларни забт этишга руҳлантиради. Хатарсиз меҳнат шароитини яратиш эса инсон саломатлиги билан бевосита боғлиқ бўлганлиги учун ҳам бу масала ҳамиша касаба уюшмалари диққат марказида бўлиб қолаверади.

**Учқин АҲМЕДОВ,**
**Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Навоий вилояти бўйича масъул ташкилотчиси**

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

**Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси, «Golden Build Trading» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади:**

**Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади.**

1. Бухоро вилояти, Шофиркон тумани Вардонзе ҚФЙ Деҳқонобод қишлоғида жойлашган собиқ 20-сон мактаб бино ва иншоотлари.

**Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи:**
**-ер участкасининг умумий майдони** — 4000.0 кв.метр.
**-бино ва иншоотларнинг умумий майдони** — 717.70 кв. метр.
**Бошланғич нархи** — 169 770 000 сўм.
**Балансда сақловчи:** Шофиркон туман ҳокимлиги.
**Фаолият ихтисоси:** Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тақиқланмаган тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш.

2. Бухоро вилояти, Шофиркон тумани Хожа Ориф МФЙ, «Кўчипоён» кўчасида жойлашган, Тери-таносил диспансери бўлими бино ва иншоотлари.

**Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи:**
**- ер участкасининг умумий майдони** — 745,0 кв.метр.
**- бино ва иншоотларнинг умумий майдони** — 268.56 кв. метр.
**Бошланғич нархи** — 77 788 000 сўм.
**Балансда сақловчи:** Шофиркон туман ҳокимлиги.
**Фаолияти ихтисоси:** Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида таъқиқланмаган тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш.

**Аукцион савдолари 2014 йил 29 октябр куни соат 11:00 да савдо ташкилотчисининг савдолар майдончасида бўлиб ўтади.**

Аукцион савдоси 2014 йил 29 октябр куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолар 2014 йилнинг 5, 12 ва 19 ноябр кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати аукцион савдосига уч соат қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 20 (йигирма) кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда олдиндан «Golden Build Trading» МЧЖнинг ҳисоб рақамига тўлашлари лозим. АТБ «Турон банк» Бухоро филиали, х/р: 20208000904953182003, МФО: 00111, СТИР: 302118823.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисида эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

Юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Бухоро шаҳри, Ҳамза кўчаси 14-уй.

Маълумотлар учун телефон: (+99893) 960-31-71, (+99895) 608-71-31.

E-mail: g_b_t@list.ru. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz, www.gkitorg.uz. www.gbt.uz

**Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади! Савдоларга марҳамат қилинг!**

**Хизматлар лицензияланган.**

2-Тошкент юридик коллежи томонидан Мирсаидов Муроджон Мирсиддиковичга 2013 йил 2 сентябрда берилган 01/60 рақамли ўқувчилик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

## Тадбир

***Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясида мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларининг фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда ОАВнинг ўрни ҳамда аҳамиятини янада кучайтириш, жамиятда ижтимоий фикрни шакллантиришда аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.***

# Рағбат юксак марраларга чорлайди

Унда Парламент комиссияси аъзолари, депутатлар, сенаторлар, давлат гранти ғолиблари бўлган мустақил ОАВ вакиллари иштирок этди.

Таъкидландики, давлат томонидан ахборот соҳасида олиб борилаётган сиёсат Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган сўз эркинлиги ва фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқи принципларининг изчил, тўлиқ бажарилишини таъминлашга қаратилган. Ахборот соҳасини ривожлантириш борасида зарур қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий база яратилди. Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Реклама тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги ва бошқа қатор қонунчилик ҳужжатлари шулар жумласидандир.

Ахборот соҳасида жамоат, нодавлат институтлари ва тузилмаларини шакллантириш бўйича зарур ташкилий-ҳуқуқий ҳамда техник шароитлар вужудга келтирилди. Айни пайтда Журналистлар ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда бошқа жамоат бирлашмалари мавжуд. Улар, ўз навбатида, кучли фуқаролик жамияти шаклланишининг, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашнинг зарурий шарти сифатида оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди, Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тузилиши мустақил ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти институтларини босқичма-босқич ривожлантириб боришда, жамиятни янада демократлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида, уларнинг роли, аҳамиятини оширишда муҳим қадам бўлди. Ўтган давр мобайнида 250дан ортиқ мустақил оммавий ахборот воситалари 8,8 млрд. сўм миқдорида давлат субсидиялари, ижтимоий буюртмалар ва грантлар шаклида қўллаб-қувватланди. Жорий йил Парламент комиссияси мустақил оммавий ахборот воситаларининг лойиҳа ва дастурларини қўллаб-қувватлаш мақсади учун 2,0 млрд. сўм миқдорида маблағ ажратди.

Танлов ғолиби бўлган 43 та мустақил ОАВ 650 млн. сўм миқдоридаги навбатдаги давлат гранти сертификатлари билан тақдирланди.

**Шарофат НОРҚУЛОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ ВА ФОЙДАЛАНИШ БОШҚАРМАСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Объектлар номи:

**1.«Фарғона шаҳар 32063 х/кдаги №10/51 биносининг ётоқхонасини мукаммал таъмирлаш»**

Бошланғич нархи — **2 815 503 920 сўм ҚҚС билан; 2 346 253 267 сўм ҚҚС сиз .**

Муддати — **220 кун.**

**2.«Фарғона шаҳридаги 52788-сонли ҳарбий қисми 3/6-сонли биносида ётоқхонани мукаммал таъмирлаш»**

Бошланғич нархи — **567 342 721 сўм ҚҚС билан; 472 785 601 сўм ҚҚС сиз.**

Муддати — **96 кун.**

**Қурилиш-монтаж ишлари:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

**Манзил:** Тошкент шаҳар, «Университет» кўчаси 1-уй, тел.(8 371) 260-39-96.

***Кичик бизнес субъектлари учун квота —100%.***

**Танлов савдосида фақат Давлат реестрига киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.**

Танлов савдосида фақат Давлат реестрига киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади. Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, «Темирйўл» кўчаси 37-уй, телефон/факс: (373)244-55-32, 998-98-276-25-48.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин Фарғона шаҳри, «Темирйўл» кўчаси 37-уй манзилида ўтказилади.

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Объект номи: **ЛОТ-3.**

***ЛОТ 3.1. «Фарғона вилояти, Қувасой шаҳридаги Исфарамсой ҚФЙ ичимлик суви билан таъминлаш трассаси»***

*Бошланғич нархи — **631 847 819 сўм ҚҚС сиз, 758 217 382 сўм ҚҚС билан.***

***ЛОТ 3.2. «Фарғона вилояти Учкўприк тумани Кенагас ҚФЙ Хошимдашт қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш»***

*Бошланғич нархи — **148 160 646 сўм ҚҚС сиз, 177 792 775 сўм ҚҚС билан.***

***ЛОТ 3.3. «Фарғона вилояти Сўх тумани Хушёр ҚФЙ Хушёр қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш»***

*Бошланғич нархи — **192 655 068 сўм ҚҚС сиз, 231 186 082 сўм ҚҚС билан.***

***ЛОТ 3.4. «Фарғона вилояти Сўх тумани Хушёр ҚФЙ, Шухча қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш»***

*Бошланғич нархи — **122 876 963 сўм ҚҚС сиз, 147 452 356 сўм ҚҚС билан.***

Муддати — **60 кун.**

**Фақат кичик бизнес субъектлари қатнашади.**

Қурилиш ишлари: Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Манзил: Фарғона шаҳар, «Темирйўл» кўчаси 37, тел.(373) 400-52-80.

**Танлов савдосида фақат Давлат реестрига киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.**

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, «Темирйўл» кўчаси 37-уй, телефон/факс: (373)244-55-32, 98-276-25-48.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин Фарғона шаҳри, «Темирйўл» кўчаси 37-уй манзилида ўтказилади.

**Хизматлар лицензияланган.**

# Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 30-sentabr № 120 (3469)

## Бор бўл, оқибат!

***— Ёшим 39 да. 4 нафар фарзандим бор. 8 йилдан буён полиартрит касаллиги билан курашиб келаман, — дейди Навоий шаҳридаги «Меъмор» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган Мунира Аҳмедова. — Касалликдан бутун вужудим, асабларим чарчаган. Суякларим қақшайди, уй юмушларини бажарсам қўл-оёғимда шиш пайдо бўлади, кир ювсам янада оғриқ зўраяди. 14 ёшли қизимнинг дарсдан келишини бетоқатлик билан кутиб ўтираман.***

***8 ёшли ўғлим мен билан кўчада айланишни, ҳайвонат боғига боришимизни орзу қилишдан чарчамайди. Аммо кўчага чиқсам, тезда чарчаб қоламан. Вояга етмаган тўрт фарзандим ҳам аҳволимни кўриб, қийналиб кетишди.***

# Яхшилик ерда қолмайди

Июн ойининг бошлари эди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зуҳра опа уйимизга келди: — Сизни хурсанд қилишга арзигулик хушхабарим бор, — деди опа. — Соғлом бола йили муносабати билан касаба уюшма ташкилотлари томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларга электр-маиший техника жиҳозлари берилиши режалаштирилган экан. «Маҳалла» ҳайрия жамоат фонди вилоят бўлими томонидан 136 нафар эҳтиёжманд оилаларнинг аёллари рўйхати шакллантирилмоқда. Қўни-қўшниларингиз билан маслаҳатлашиб, рўйхатга сизни тавсия этаяпмиз.

Кўзларимдан ёш чиқиб кетди, меҳридарё қўшниларимдан, ҳар бир хонадоннинг яхши-ю, ёмон кунида ҳамиша оғринмасдан тайёр турган маҳалламиз фаолларидан ич-ичимдан миннатдор бўлдим.

Шу ўринда, сиз азизларга бир гапни очиқ айтишим керак. Касаба уюшмаси деган ташкилот борлигини эшитгандиму, аммо бу қадар меҳр-оқибат кўрсатишидан бехабар эканман. Нима бўлганда ҳам мен буни ўз мисолимда кўриб турибман. Чунки ёзги соғломлаштириш мавсумида 2 нафар фарзандим «Ишонч» оромгоҳида бепул дам олдирилган эди.

Орадан бир ой ўтиб, қўшним Ферузахон келди: Маҳалламиз раисаси сизни 14 август куни «Ширин» маданият саройига боришингизни айтиб юборди, — деди у. Касал ҳолим билан қандай бораман? Яхшиси, бормай қўя қолай, деб ўйладим. Катта қизим дарсдан келгач унга маслаҳат солдим. Онажон, мен эшитдим, мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносабати билан касаба уюшмалари томонидан катта тадбир ўтказиларкан. Мана кўрасиз, борганингизга пушаймон бўлмайсиз. «Онажон, хоҳласангиз, мен сизни тадбирга ўзим олиб бораман», деди қизим.

Қизимнинг қистовларидан тетиклашгандек бўлдим. Ўз-ўзимга далда бердим: «касалман» деб ётсам ётавераман, яхшиси, тадбирга бораман. Эртаси оҳори тўкилмаган, кийсам ўзимга ярашиб турадиган чиройли кўйлагимни кийдим. Қизим Дилсўз сочларимни чиройли қилиб тараб қўйди. Соат тўққизларда Зуҳра опа, қадрдон кўшим Ферузахонлар билан «Ширин» маданият саройига бордик. Бизни юзларидан нур ёғилиб турган бир аёл кутиб олди. Маданият саройининг катталиги, чиройли қилиб безатилганлигидан янада ҳайратим ошди. Қимтинибгина тўртинчи қаторда ўтирдим. Саҳна тўрига «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» сўзлари зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Бирпасда залга мингдан ортиқ одам тўпланди. Тадбирни вилоят ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Анорахон очиб берди. Шундан сўнг... Ўзбекистонимизнинг карвони катталигини, бу карвоннинг бошқарувчи, зўр сарбони борлиги ҳақида шукрона сўзлар айтилиб, юртимизда амалга оширилаётган эзгу ишлар бир-бир тилга олинди. Гўё кучимга куч қўшилгандай бўлди. Касалликдан зериккан жисму-жоним ором олди. Шу топда ҳали вояга етмаган фарзандларимнинг давлат назоратида эканлигини яна бир карра ҳис қилдим. Ўзимни соғ одамдек тутиб олдим.

Тадбирда Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида вафот этганларнинг оилаларига моддий ёрдам берилди. 12 нафар талабага касаба уюшмалари стипендияси тақдим этилди.

Шундан сўнг мен ва 10 дан ортиқ аёллар саҳнага таклиф этилдик. Қўлимга тутқазилган бир даста гул бутун жисму-жонимга ором бағишлади, кўзимга ёш келди. Бир йигит олдимга атрофи зар қоғозлар билан ўралган бир кутини олиб келиб қўйди. Кир ювиш машинаси экан.

Қизимнинг икки кўзи менда, саҳнадан тушишим билан қўлимдаги гулларни унга илиндим. Чеҳраси ёришиб, йиғлагиси келди. «Онажон, сизга гуллар жудаям яраши», деди.

Она-бола эҳтиромдан ниҳоятда шод эдик. Уйга келишимиз билан кути устидаги «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши» деган ёзув туширилган ёрлиқни столим тўрига жойлаштирдим. Ёнига гулларни қўйдик. «Энди онам кир ювмайди, қўллари оғримайди, кечаси йиғламайди», дейишди болаларим қувониб.

Ферузахон қўшним машинани қандай ишлатишни тушунтирди. Уни синаб кўриш учун уйимиздаги сочиқларнинг ҳаммасини тўпладик. Машина кирларни ювa бошлади. Биз гаплашиб ўтирдик. Қизим чой дамлаб келди. Қўшним тадбир яхши ўтганини, совға олган аёлларнинг барчаси хурсанд бўлганини болаларимга бир бошдан гапириб берди.

Мен эса севинчимни сўз билан таърифлай олмайман. Чин дилдан касаба уюшмаларидан миннатдор бўлдим. Менинг назаримда, бу жиҳоз орқали касаба уюшмалари ҳали улғайиб улгурмаган болаларимга ёрдам берганди.

Мана шунга ҳам 1 ойдан ошиқ вақт ўтди. Жиҳоз беминнат хизматимизда! Соғлом бола йилида бизнинг хонадонимизга эзгулик нурини бағишлаган касаба уюшмаларига газета орқали ўзимнинг ташаккуримни изҳор этаман. Насиб бўлса, 2 ўғлим ва 2 қизим жамиятимизга хизмат қиладиган инсонлар бўлиб вояга етиши учун астойдил ҳаракат қиламан. Халқимизда «Яхшилик ерда қолмайди» деган гап бор, менинг фарзандларим ҳам ўйлайманки, яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтаришади.

Болаларимга «Сизлар дунёдаги энг бахтли болаларсиз», деб уқтираман. Чунки, фарзандларим баркамол авлод тарбияси бутун жамиятнинг биринчи вазифаси этиб белгиланган юртда туғилиб, вояга етмоқда.

Яна шуни алоҳида таъкидлашим жоизки, менимча, оналар саломатлигига бошқа бирор давлатда биздагичалик катта эътибор берилмайди.

2014 йилнинг Соғлом бола йили деб номланиши муносабати билан дастур тадбирлари доирасида менга ўхшаган уй бекаларига зарур шарт-шароитларни яратишга амалий ёрдам берган, мақсади фақат эзгуликка қаратилган, инсон манфаатини ҳар нарсадан устун қўйган эзгуликни шиор қилган эъзозли ташкилотга вилоятимиздаги 136 нафар оналар номидан чексиз миннатдорчилик изҳор қиламан.

**Мунира Аҳмедованинг дил сўзларини Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Норимхол НУРМОНОВА ёзиб олди**

## XVII ёзги Осиё ўйинлари

***Жорий йилнинг 8-14 сентябр кунлари пойтахтимизда ўтказилган эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида бронза медалига сазовор бўлган Бекзод Абдураҳмонов (-70 кг.) ўз вазнида дунёнинг етакчи спортчиларидан бири эканини Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида давом этаётган XVII ёзги Осиё ўйинларида ҳам исботлади.***



# Олтин изидан олтин

Нимчорак финалда тожикистонлик Сомиршо Воҳидов, чорак финалда эса хитойлик Линг Хай Вей муддатдан аввал мағлуб этилган бўлса, ярим финалда япониялик Кожима Такафуми 0;6 ҳисобда имкониятни бой берди.

Таъкидлаш жоизки, Жанубий Корея вакили Ох Манхога қарши кечган финал беллашуви ҳам ҳамюртимизнинг тўлиқ устунлигида ўтди — 7:2.

— Албатта, ғолиблик шоҳсупасига кўтарилиш ёқимли. Бугун мени қўллаб-қувватлаш мақсадида залга келган ҳамда она ватаним Ўзбекистонда менга мухлислик қилган барча-барчага миннатдорчилигимни билдираман. Юртдошларимнинг кўмаги менга қўшимча куч бағишлади. Ғалабага бўлган ишончимни оширди. Халқимиз, Президентимиз ишончини оқлаганимдан бахтиёрман, — деди Бекзод Абдураҳмонов мусобақадан сўнг бўлиб ўтган матбуот анжуманида.

***

Каноэда эшкак эшиш бўйича (С1) 1000 метр масофага ўтказилган ҳал қилувчи финал баҳсида ҳамюртимиз Вадим Менков марра чизиғига (3.57,40) биринчи бўлиб етиб келди ва Осиё ўйинларининг олтин медалига сазовор бўлди.

Икки карра жаҳон чемпиони Вадим Менков 2006 йили Доҳа (Қатар)да бўлиб ўтган Осиё ўйинларида кумуш, 2010 йили Гуанчжоу шаҳри (Хитой)да ўтказилган Осиё ўйинларида эса олтин медални қўлга киритганди.

Вадим ушбу мусобақада ҳам дунёда етакчи спортчилардан эканини амалда исботлади. У энг яқин таъқибчиси қозоғистонлик Сергей Емеляновни ортда қолдирди. Бронза медали хитойлик спортчи Лонг Куй Вангга насиб этди.

Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича 1000 метр масофага ўтказилган пойгада ҳамюртимиз Алексей Мачалов ҳам марра чизиғига биринчи бўлиб етиб келиб, олтин медални ўзиники қилди.

Тажрибали спортчимиз белгиланган масофани 3.39,87 сонияда босиб ўтиб, эронлик Аҳмадризо Толибиандан беш сонияга ошиб кетди. Шоҳсупанинг учинчи поғонасига қозоғистонлик Юрий Березинцев кўтарилди.

Эркаклар ўртасида 200 метр масофага ўтказилган пойгада марра чизиғини 36.531 сонияда босиб ўтган Эрнест Эрназаров кумуш медал совриндори бўлди. Ушбу мусобақада Жанубий Корея вакили Гвангхи Чо (35.464) олтин медалга сазовор бўлди. Бронза медали япониялик Сейжи Камацуга (36.754) насиб этди.

Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича мусобақаларда Серик Мербеков ҳамда Герасим Кочнев икки кишилик қайиқда (С2) 1000 метр масофани учинчи бўлиб якунлади.

Ҳамюртларимиз белгиланган масофани 3.47,650 вақтда босиб ўтди ва делегациямиз ҳисобига навбатдаги бронза медални келтирдилар. Мазкур мусобақада қозоғистонлик ака-ука Михаил ва Тимофей Емелянов (3.44,936) биринчи, хитойлик дуэт Пенгфей Зенг ҳамда Ривей Ванг эса (3.46,250) иккинчи ўринни эгаллади.

Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича тўрт кишилик қайиқда 1000 метр масофага эркаклар ўртасида ўтказилган финал мусобақаларида Сергей Борзов, Вячеслав Горн, Алексей Мачалов ва Александр Тропиндан иборат квартетимиз белгиланган масофани 3.01,819 сонияда босиб ўтиб, навбатдаги бронза медалини делегациямиз ҳисобига келтирди.

Ушбу мусобақаларда Қозоғистон спортчилари биринчи (2.57,396), Хитой жамоаси эса иккинчи (3.01,374) ўринни банд этди.

***

74 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан полвонимиз Рашид Қурбонов олтин медал учун баҳсда эронлик рақибидан устун келди.

Вакилимиз бунгача ҳиндистонлик Ядав Панчамни 3:1, туркманистонлик Рамазан Қамбаровни 4:0, ярим финалда япониялик курашчи Дайсукэ Шимадани 3:1 ҳисобида мағлуб этишнинг уддасидан чиқди.

Тажрибали эркин курашчимиз Ихтиёр Наврўзов -65 кг. вазн тоифасида бронза медали совриндори бўлди.

Ҳамюртимиз биринчи беллашувда қатарлик Абдулраҳмон Иброҳимни 4:0 ҳисобида енгди. Чорак финалда тожикистонлик Залимхон Юсупов билан баҳс юритган ҳамюртимиз 1:3 ҳисобида имкониятни бой берди. Шундан сўнг, ўтиш турнирида курашни давом эттирган Ихтиёр Наврўзов дастлаб қирғизистонлик Улукман Маматовни, учинчи ўрин учун кечган беллашувда эса япониялик Томоцугу Ишидани мағлуб этди.

86 кг. вазн тоифасида баҳсларга киришган Умиджон Усмонов бронза медалга эгалик қилди. Учинчи ўрин учун кечган беллашувда терма жамоамиз аъзоси тожикистонлик Баҳодир Қодировни 4:1 ҳисобида доғда қолдирди.

***

Енгил атлетиканинг кўп кураш баҳсларида ҳамюртимиз Екатерина Воронина 5912 очко билан олтин медални қўлга киритди. Унинг жамоадоши Юлия Тарасова (5482) эса бронза медал билан тақдирланди.

***

Бокс беллашувлари ҳам ўзининг қизғин палласига кириб бормоқда.

64 кг. вазн тоифасида рингга кўтарилаётган терма жамоамиз дебютанти Достонбек Турдиев нимчорак финалда Саудия Арабистони боксчиси Яҳё Мабҳут Ҳададини иккинчи раундда техник нокаутга учратди.

49 кг. вазн тоифасида Ҳасанбой Дўсматов нимчорак финал баҳсида индонезиялик Корнелис Лангуни мағлубиятга учратди. Ҳакамлар барча раундларда боксчимизнинг ғалабасини қайд этди — 30:27, 30:26, 30:26. Энди Ҳасанбой чорак финалда филиппинлик Баррига Марк Энтонига қарши рингга кўтарилади.

Шунингдек, боксчиларимиз Шаҳобиддин Зоиров (-52 кг.) ва Исроил Мадримов (-69 кг.) Ёнг Чанг (Хитой) ҳамда Дипеш Лама (Непал) устидан яққол устунлик билан ғалабага эришди.

**Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири**

## Қарор ва ижро

***Президентимиз раҳнамолигида миллий ва диний қадриятларимизни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор жамиятимизда ҳукм сураётган аҳиллик, ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, навқирон авлод вакилларини юксак маънавиятли инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда.***

### БАҒРИКЕНГЛИК, САХОВАТ, МУРУВВАТ

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 26 сентябрда қабул қилинган «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Қурбон ҳайитининг тартибли, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтишини таъминлаш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Фарғона вилоятида ҳам Қурбон ҳайитини кўтаринки руҳда нишонлаш учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жойларда кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, кўча ва хиёбонлар, маҳалла гузарлари, муқаддас зиёратгоҳ ва қадамжолар, тарихий ёдгорлик мажмуалари ва қабристонларнинг атрофи тартибга келтирилаётир. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлар ва кексалар ҳолидан хабар олиниб, моддий-маънавий ёрдам кўрсатилмоқда.

— Байрамни кўнгилдагидек ўтказиш ва халқимизга хос бағрикенглик, саховат ва мурувват тадбирларини бажариш белгиланган, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Фарғона вилояти бўлими раиси ўринбосари Бахтиёр Қодиров. — «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида жойларда ўтказилаётган давра суҳбатлари, учрашувларда юртимизда диний бағрикенглик ва виждон эркинлиги кафолатлангани, фуқароларнинг эмин-эркин ибодат қилишлари учун барча шароит ва имкониятлар яратилгани алоҳида таъкидланмоқда.

Вилоятдаги Меҳрибонлик ва Саховат уйлари, махсус мактаб-интернатларда ҳомийлар томонидан байрам дастурхонлари ташкил этилиб, совғалар берилмоқда.

**М.СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири**

## ЭЛ СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Сурхондарё вилояти Бойсун тумани тиббиёт бирлашмаси таркибидаги 60 ўринга мўлжалланган туғруқ мажмуаси «Саломатлик-1» ва «Саломатлик-2» лойиҳалари доирасида замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган.

Беморларга ўз вақтида сифатли тиббий хизмат кўрсатиш мажмуада меҳнат қилаётган 80 нафар тиббий ходимнинг доимий эътиборида. Ҳомиладор аёллар ва ёш оналарга чақалоқ парвариши, репродуктив саломатлик, туғруқлар оралиғини сақлаш каби масалалар юзасидан мунтазам тиббий маслаҳатлар бериб борилаётир.

***Суратда: (чапдан) доя Шаҳноза Холназарова ёш она Умида Муҳиддинова билан.***

**Ўза фотоахбороти. Фарҳод АБДУРАСУЛОВ олган сурат**

Реклама ва эълонлар

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

**«UNIVERSAL REALTOR» МЧЖ Андижон вилоят филиали Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси билан биргаликда бошланғич баҳосининг ошиб борилиши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 июлдаги ПҚ-2200-сонли «Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлариги сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан қуйидаги давлат объектлари очиқ аукцион савдосига қўйилади:

**1.** Андижон вилояти, Избоскан тумани, Пойтуғ шаҳри, Ж.Сиддиқов кўчасида жойлашган «Избоскан киновидео» МЧЖнинг 25 % давлат улуши.

Аукцион савдосига қўйилган давлат активининг тавсифи: ер участкасининг майдони кадастр ҳужжати бўйича 1343,36 кв.метр, қурилиш ости майдони — 499,98 кв.метр

Бошланғич нархи: 46 189 418 сўм.

**2.** Андижон вилояти, Хўжаобод тумани, Бирлашган ҚФЙ, Қорабулоқ МФЙда жойлашган 11-сонли мактабгача таълим муассаси филиали бино ва иншоотлари.

Аукцион савдосига қўйилган давлат активининг тавсифи: ер участкаси майдони — 383,16 кв.метр, фойдали майдони — 200,44 кв.метр.

Бошланғич нархи: 75 961 609 сўм.

Балансда сакловчи: Хўжаобод тумани ҳокимлиги.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

**3.** Андижон вилояти, Шаҳрихон тумани, Шаҳрихон шаҳар Назарий кўчаси, 2-уйда жойлашган қурилиши тугалланмаган ўқув маркази бино ва иншоотлари.

Аукцион савдосига қўйилган давлат активининг тавсифи: ер участкаси майдони — 839 кв.метр, фойдали майдони — 620 кв.метр.

Бошланғич нархи: 304 073 944 сўм.

Балансда сақловчи: Шаҳрихон тумани ҳокимлиги.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

Аукцион савдоси 2014 йил 30 октябр куни соат 11:00да Андижон шаҳар, Навоий шоҳ кўчаси, 30-уйда жойлашган давлат рақобат қўмитаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси биносининг 108-хонасида ўтказилади. Талабгорлардан буюртманомалар қабул қилиш мазкур эълон чоп этилган кундан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда бошланади ва 2014 йил 29 октябр куни соат 17:00да тўхтатилади.

2014 йил 30 октябрдаги аукцион савдосида давлат активлари сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2014 йил 6, 13, 20 ноябр кунлари соат 10:00да юқорида кўрсатилган манзил ва шартларда ўтказилади.

Такрорий аукцион савдоси учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 6 ноябрдаги савдо учун 5 ноябр куни соат 17:00, 2014 йил 13 ноябрдаги савдо учун 12 ноябр куни соат 17:00, 2014 йил 20 ноябрдаги савдо учун 19 ноябр куни соат 17:00да.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Realtor» МЧЖ Андижон вилоят филиалининг ОАТБ «Асакабанк» Андижон филиалидаги МФО: 00069, СТИР: 302 269 399, 2020 8000 1049 7522 8003 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни буюртманома билан бирга топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Аукцион савдоси ғолиби савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида сотувчи билан давлат активи олди-сотди шартномасини имзолаши шарт.

Қўшимча маълумот ва мурожаат учун манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси 30-уй, 108-хона. Телефон: +99890 217-83-46, +99891 124-57-64. www.realtor.uz Email: universal.realtor@mail.ru

**Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг (8371) 259-21-37, ҳудудий бошқарманинг (8374) 223-57-00 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади.**

**Лицензия : RR № 0127**

## Ҳурматли тадбиркорлар!

Сизнинг иш фаолиятингизга Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ёки унинг ҳудудий комиссияларининг рухсатисиз, тегишли ҳужжатларсиз ноқонуний аралашувларга йўл қўйиш, ўз хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш, қонунга зид хатти-ҳаракатларга йўл қўйилганда ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бошқа саволлар бўйича ЎзР ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармаларига қуйидаги «Ишонч телефон»лари орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

| | |
|---|---|
| ЎзР ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси | 8-371-234-01-09 |
| Қорақалпоғистан Республикаси ИИВ ЁХБ | 8-361-223-19-86 |
| Андижон вилояти ИИБ ЁХБ | 8-374-223-18-96 |
| Бухоро вилояти ИИБ ЁХБ | 8-365-222-82-85 |
| Жиззах вилояти ИИБ ЁХБ | 8-372-223-56-10 |
| Қашқадарё вилояти ИИБ ЁХБ | 8-375-221-14-64 |
| Навоий вилояти ИИБ ЁХБ | 8-436-770-25-73 |
| Наманган вилояти ИИБ ЁХБ | 8-369-227-31-38 |
| Самарқанд вилояти ИИБ ЁХБ | 8-366-233-51-00 |
| Сурхондарё вилояти ИИБ ЁХБ | 8-376-223-21-81 |
| Сирдарё вилояти ИИБ ЁХБ | 8-367-226-08-58 |
| Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ | 8-371-261-64-36 |
| Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ | 8-371-234-50-98 |
| Фарғона вилояти ИИБ ЁХБ | 8-373-244-68-14 |
| Хоразм вилояти ИИБ ЁХБ | 8-362-227-24-11 |

**Изоҳ:** Бугунги кунда Тошкент шаҳри ва Республиканинг бошқа минтақаларида ёнғинлар тўғрисида хабарларни қабул қилиш учун аҳоли пунктларининг телефон тармоқларида ягона рақам «101» ўрнатилган.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar: Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: A.Arslonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -20.40
Topshirildi -22.40

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 915 | 13972 nusxada bosildi | 12 45